

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

УЎК: 331.101.262(576.2)

## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Расулов Тўлқин Саттарович,**

«Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти» кафедраси профессори;

**Шарипов Қувондиқ Бахтиёрович,**

катта ўқитувчи, грант аъзоси

Тошкент давлат шарқшунослик университети

**Аннотация.** Ушбу мақолада миллий иқтисодиёт раҷобатбардошлиги тушунчасининг моҳияти, раҷобатбардошлик даражалари, раҷобатбардошлик объектлари пирамидаси, миллий иқтисодиёт раҷобатдошилигини таъминлаш омиллари ва кўрсаткичлари, миллий иқтисодиёт раҷобатбардошилигини баҳолашга бўлган турли хил ёндашувлар таҳлили, Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт раҷобатбардошилигини ошириш каби масалалар моҳияти очиб берилган.

**Таянч тушунчалар:** миллий иқтисодиёт раҷобатбардошилиги, раҷобатбардошлик даражалари, раҷобатбардошлик омиллари, раҷобатбардошлик кўрсаткичлари, Жаҳон банки, жаҳон иқтисодий форуми, глобал раҷобатбардошлик индекси, иқтисодий ўсиш, ЯИМ, раҷобатбардошликни таъминлаш.

## АНАЛИЗ ОЦЕНКИ ФАКТОРОВ И ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

**Расулов Тулкин Саттарович,**

профессор кафедры «Экономика восточных стран»;

**Шарипов Қувондиқ Бахтиёрович,**

старший преподаватель, участник гранта

Ташкентский государственный университет востоковедения

**Аннотация.** В данной статье раскрывается сущность концепции конкурентоспособности национальной экономики и пирамиды конкурентных объектов. Даны характеристика уровней, факторов и показателей конкурентоспособности национальной экономики. Проанализированы различные подходы к оценке конкурентоспособности национальной экономики. Проведена оценка конкурентоспособности национальной экономики Узбекистана.

**Ключевые слова:** конкурентоспособность национальной экономики, уровни конкурентоспособности, факторы конкурентоспособности, показатели конкурентоспособности, Всемирный банк, Всемирный экономический форум, индекс глобальной конкурентоспособности, экономический рост, ВВП, обеспечение конкурентоспособности.

## ANALYSIS OF ASSESSMENT OF FACTORS AND INDICATORS OF COMPETITIVENESS OF THE NATIONAL ECONOMY

**Rasulov Tulkin Sattarovich,**

Professor of the Department of Economics of Eastern Countries;

**Sharipov Kuvondik Bakhtiyorovich,**

Senior Lecturer, Grant Participant

Tashkent State University of Oriental University

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

**Abstract.** The article describes the essence of the concept of competitiveness of the national economy, levels of competitiveness, the pyramid of competitive objects, factors and indicators of competitiveness of the national economy, analysis of different approaches to assessing the competitiveness of the national economy in Uzbekistan.

**Keywords:** competitiveness of the national economy, levels of competitiveness, factors of competitiveness, indicators of competitiveness, World Bank, World Economic Forum, global competitiveness index, economic growth, GDP, ensuring competitiveness.

## Кириш

Рақобатдошлик деганда, одатда, товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминлайдиган нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти тушунилади. Таъкидлаш лозимки, рақобатдошлик товарлар бозори билан чекланиб қолмасдан, макроиктисодий мазмунга ҳам эга.


Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги – бу рақобатбардошликтининг барча даражаларида, яъни мамлакатда яратилган товар ва хизматлар, корхона ва фирмалар, тармоқларнинг жаҳон бозорида иқтисодий фаолият самарадорлиги жиҳатидан муносиб қарши туралоилиш қобилияти ҳисобланади.

Мамлакатнинг рақобатбардошлигини эркин ва ҳалол рақобат шароитида мамлакатнинг жаҳон бозори талабари ни қондирувчи товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш қобилияти сифатида таърифлаш мумкин [4].

## Тадқиқот методологияси

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқиша илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гурухлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот рақобатбардошлик даражасини баҳолашга қаратилар экан, биз уни учта – макро, мезо ва микро даражада баҳолашимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Рақобатбардошлик объектлари пирамидаси [6]

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Мамлакатнинг рақобатбардошлиқ кўрсаткичи, биринчи галда, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеини тавсифловчи, шунингдек, товар ва товар ишлаб чиқарувчи ҳамда тармоқ рақобатбардошлигини бирлаштирувчи умумий кўрсаткич ҳисобланади. Тадқиқотимиз, асосан, мамлакат рақобатбардошлигини баҳолашни мақсад қилгани боис асосий эътиборимизни макро даражадаги рақобатбардошиликка қаратамиз.

Замонавий иқтисодий адабиётларда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашга бўлган бир нечта ёндашувлар мавжуд. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашга бўлган биринчи ёндашувда бутунжаҳон иқтисодий форумининг глобал рақобатбардошилик индекси ([GCI – The Global Competitiveness Index](#)) ишлатилади.

Жаҳон банки ва Жаҳон иқтисодий форуми усуллари мамлакат рақобатбардошлигини баҳолашнинг энг кенг тарқалган ҳамда мукаммал услубларидан биридир.

I. Жаҳон иқтисодий форуми мамлакат рақобатбардошлигини 1986 йилда жамланган омилларнинг 381 та кўрсаткичидан иборат бўлган қўйидаги 8 та гурӯҳ бўйича баҳолайди: 1. Ички иқтисодий салоҳият. 2. Ташқи иқтисодий алоқалар. 3. Давлат томонидан тартибга солиш. 4. Молия-кредит тизими.

5. Инфратузилма.
6. Бошқарув тизими.
7. Илмий-техник салоҳият.
8. Меҳнат ресурслари.

Мамлакат рақобатбардошлигининг ривожланиш босқичларини баҳолаш кўрсаткичларига қуидагилар киради:

- иқтисодий ривожланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- меҳнат ресурсларини ифодаловчи кўрсаткичлар (меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли улуши, меҳнат унумдорлиги даражаси, иш ҳақи, шахсий даромад);
- илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига қилинган харажатлар, ЯИМга нисбатан фоизда (харажатларнинг ўсиш суръати, таълимга қилинган харажатлар, патентлар сони);
- экспортни тавсифловчи (мамлакатнинг жаҳон экспортидаги улуши, экспортнинг ўсиш суръати; меҳнат кўп талаб қиласидиган ва хомашё тармоғи улуши; капитал кўп талаб қиласидиган тармоқ улуши, юқори технологияли ишлаб чиқаришлар улуши; хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши);
- инвестициялар (ички инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, фоизда; чет элга чиқарилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, фоизда; хорижий инвестиацияларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши; солиқларнинг ЯИМда улуши, фоизда).

## 1-жадвал

### Рақобатдошилик кўрсаткичларининг гурухланиши

Базавий талаблар		Ресурсларга йўналтирилган иқтисодиёт
Давлат ва жамоат муассасалари		
Инфратузилма		
Макроиқтисодий барқарорлик		
Соғлиқни сақлаш ва бошлангич таълим		
Самараадорлик кўрсаткичлари		Самараадорликка йўналтирилган иқтисодиёт
Олий таълим ва қасбий тайёргарлик		
Товар ва хизматлар бозорининг самарали ривожланиши		
Меҳнат бозорининг самарали ривожланиши		
Молия бозорининг ривожланганилиги		
Юқори технологиялар билан қуролланганлик даражаси		
Бозор ҳажми ва қўлами		
Инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари		Инновацияга йўналтирилган иқтисодиёт
Бизнеснинг ривожланиш даражаси		
Инновацион салоҳият		

Манба: [14].

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Замонавий миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини аниқлаш методикасида 12 та асосий омил ажратилади (1-жадвал).

Қайд этиб ўтилган омиллар уч гурухга ажратилади. Биринчи гурух базавий талабларни ўз ичига олади. Иккинчи гурух бизнес мұхит самарадорлигини оширувчи омилларни қамраб олади.

Учинчи гурух эса бизнесни такомилаштириш омилларини бирлаштиради. Ҳар бир гурух муайян субиндекслар билан тавсифланади.

Субиндексларни ҳисоблаётган вактда ҳар бир гурухнинг вазни қуйидагича белгиланади: биринчи гурух – 25 фоиз, иккинчи гурух – 17 фоиз, учинчи гурух – 50 фоиз (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ривожланишнинг ҳар бир босқичида асосий уч гурух күрсаткичларининг улуши, фоиз ҳисобида

Субиндекслар	Ресурсларга йўналтирилган босқич	Самарадорликка йўналтирилган босқич	Инновацияга йўналтирилган босқич
Базавий талаблар	60	40	20
Самарадорлик күрсаткичлари	35	50	50
Инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари	5	10	30

*Манба:* [14].

Бунда ҳар бир субиндекснинг аниқ мамлакат учун ҳисобланган натижавий Глобал рақобатдошлик индексига қўшган ҳиссасидан келиб чиқиб, ушбу мамлакат иқтисодий ривожланишнинг қайси босқичида эканлигини аниқлаш мумкин. Ушбу ёндашув иқтисодий ривожланиш жиҳатидан турли даражадаги мамлакатлар рақобатдошлигини таққослаш имконини беради.

II. Жаҳон банки мамлакат рақобатбардошлигини 9 та мезон бўйича баҳолайди (Бунда максимал балл 100 бални ташкил этади):

– сиёсий хавф-хатар (пулни қайтариб бериш);

– иқтисодий истиқболлар;

– ташқи қарз;

– дефолт ёки қарзни реструктуризациялаш (таркибий ўзгартириш) ҳолати билан боғлиқ ҳолда вужудга келган қарз;

– банк ресурсларидан фойдаланиш имконияти;

– капитал бозорига кириш имконияти;

– форфейтинг хизматлари билан таъминлаш.

Мамлакатнинг рақобатбардошлиги қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$P_n = I_c + I_i + I_k + I_d + I_k + I_6 + I_m + I_{\phi\phi}$$

$$100 \text{ балл} = 25 + 25 + 10 + 10 + 10 + 5 + 5 + 5$$

Бу ерда:

$I_n$  – мамлакат рақобатбардошлиги күрсаткичи;

$I_c$  – сиёсий хавф-хатар;

$I_i$  – иқтисодий истиқболлар;

$I_k$  – ташқи қарз;

$I_d$  – дефолт ёки қарзни реструктуризациялаш (таркибий ўзгартириш) ҳолати билан боғлиқ ҳолда вужудга келган қарз;

$I_{\phi\phi}$  – кредит рейтинги (кредит қарзи бўйича тўлов қобилияти рейтинги);

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

$I_6$  – банк ресурсларидан фойдаланиш имконияти;

$I_m$  – қисқа муддатли молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти;

$I_{\phi}$  – форфейтинг хизматларидан фойдаланиш имконияти.

Мамлакат рақобатбардошлигини баҳолаш күрсаткичлари, таркибий элементлари ва баҳолаш мезонларини күйидаги жадвалда күришимиз мумкин (3-жадвал).

## 3-жадвал

### Мамлакат рақобатбардошлигини баҳолаш

Күрсаткичлар	Таркибий элементлари	Баҳолаш мезони	Изоҳ
<b>1. Сиёсий хавф-хатар, /с (I<sub>c</sub>)</b>	Маҳсулот етказиб бериш (хизмат күрсатиш) бўйича тўловларни амалга оширмаслик имконияти	max = 25 балл	Хавф қанча паст бўлса, рейтинг баҳоси шунчалик юқори бўлади
	Кредитлар, молиявий мажбуриятлар, дивиденdlар бўйича дефолт		
	Инвестиция қилинган капитални қайтариш имконияти йўқлиги		
<b>2. Иқтисодий истиқболлар, /и (I<sub>i</sub>)</b>	Жорий йилги ривожланиш истиқболи (прогноз) Кейинги йил учун прогноз	max = 25 балл	
<b>3. Ташқи қарз, /қ (I<sub>q</sub>) <math>I_q = A + (B \times 10) - (C \times 10)</math></b>	Мамлакат умумий қарзининг ЯИМга нисбати, А Қарзнинг экспортга нисбати, В Тўлов балансининг жорий операциялар бўйича сальдоси, ЯИМ га нисбатан, С	max = 10 балл	Формулага мувофиқ рақамли қиймат қанча паст бўлса, рейтинг шунча юқори бўлади.
<b>4. Дефолт ёки қарзни реструктуризациялаш (таркибий ўзгариши) холати билан боғлиқ ҳолда вужудга келган қарз, / д (I<sub>d</sub>)</b>	Молиявий мажбуриятларни бажариш (бажармаслик) ёки барча қарзларни тўлашни кечиктириш	max = 10 балл	Максимал балл тўловлар мавжуд бўлмаган мамлакатларга берилади; 0 балл – ким молиявий мажбуриятларни бажармаган бўлса ёки муддати ўтказиб юборилса
<b>5. Кредит рейтинги (кредит қарзи бўйича тўлов қобилияти рейтинги), / к (I<sub>k</sub>)</b>		max = 10 балл	Энг юқори тўлов қобилиятига эга компания учун максимал балл IMoodys, StandartSPoof's, Fitsh каби етакчи рейтинг компанияларининг баҳолари
<b>6. Банк ресурсларидан фойдаланиш имконияти / б (I<sub>b</sub>)</b>	Хусусий, узоқ муддатли, кафолатланмаган кредитларнинг ЯИМга нисбати	max = 10 балл	«Global Development Finance»нинг баҳолаш манбаси
<b>7. Қисқа муддатли молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти, /м (I<sub>m</sub>)</b>	Капитал бозорида ресурсларни муаммосиз олиш имконияти	max = 5 балл	
	95 % ҳолларда муаммосиз маблағ (ресурс) олиш имконияти	max = 4 балл	
	Кириш имконияти катта муаммо эмас	max = 3 балл	
	Капитал бозоридаги вазиятга қараб кириш мумкин	max = 2 балл	
	Маълум шароитларда кириш тақиқланмайди	max = 1 балл	
	Кириш умуман мумкин эмас	max = 0 балл	
<b>8. Форфейтинг хизматларидан фойдаланиш имконияти, /ф (I<sub>f</sub>)</b>	Кириш хавфли эмас	max = 5 балл	Манба: Morgan Crenfell, Trade Finance, Standard Bank, Mc Kinsy бўлими (Москва шаҳри)

*Манба:* [15].

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Жаҳон банки глобал рақобатбардошлиқ индекси орқали мамлакат рақобатбардошлигини юқоридаги методика

бўйича баҳолайди. 2019 йилда тадқиқот 141 мамлакатни қамраб олди (4-жадвал).

4-жадвал

## Глобал рақобатбардошлиқ индекси

Рейтинг (ўрни)	Иқтисодиёт	Индекс 2019 йил
1	Сингапур	84.8
2	Америка Кўшма Штатлари	83.7
3	Гонконг	83.1
4	Голландия	82.4
5	Швейцария	82.3
6	Япония	82.3
7	Германия	81.8
8	Швеция	81.2
9	Буюк Британия	81.2
10	Дания	81.2
...		
43	Россия	66.7
...		
55	Қозоғистон	62.9
...		
104	Тожикистон	52.4
...		
141	Чад	35.1

**Манба:** World Economic Forum: The Global Competitiveness Report 2019 [16].

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2019 йилда Сингапур 84,8 балл билан 1-ўринни эгаллаган бўлса, Дания 81,2 балл билан кучли ўнликни якунлаб беради. МДҲ мамлакатлари ичida Россия 66,7 балл билан 43-ўринни эгаллаган бўлса, Қозоғистон 62,9 балл билан 55-ўринни эгаллаган. Минг афсуски, Жаҳон банки ва Жаҳон иқтисодий форуми бу рўйхатга Ўзбекистонни киритмаган.

Кейинги ёндашув эса Россия Олий иқтисодиёт мактаби профессори Е.Яшин томонидан таклиф этилган. У миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашда рақобатбардошлиkn 4 та гурухга

ажратади. Яъни: 1) ташқи рақобатбардошлиқ; 2) ички рақобатбардошлиқ; 3) ресурслар рақобатбардошлиги; 4) институт (муассаса)ларнинг рақобатбардошлиги [7]. Мана шу ёндашувни яна бир россиялик иқтисодчи А.И. Белов янада ривожлантириб, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги кўрсаткичлари ва омилларини қўйидагича гурухлайди (5-жадвал).

Россиялик академик Р.А. Фатхутдинов мамлакатнинг рақобатбардошлигини қўйидаги формула бўйича баҳолайди:

$$K_{\text{мамлакат}} = \sum_{i=1}^n b_i k_i = 1,0 \quad (1)$$

$K_{\text{мамлакат}}$  – мамлакат рақобатбардошлиги кўрсаткичи;

$b_i$  – рақобатбардошлиқ i-омили қиймати кўрсаткичи ( $i = 1,0$ );

$k_i$  – i-омил рақобатбардошлиги [5].

Омил рақобатбардошлиги ( $K_i$ ) кўйидаги формула орқали аниқланади.

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

5-жадвал

## Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги кўрсаткичлари ва омиллари

Рақобатбардошилик турлари	Кўрсаткич	Омиллар
Ташқи рақобатбардошилик	Экспорт	1. Табиий ресурслар ва юқори технологияли маҳсулотларнинг мувозанатли экспорти
	RCA (revealed comparative advantage)	
Ички рақобатбардошилик	Ишлаб чиқариш ҳажмининг импорт ҳажмига нисбати	1. Импорт ҳажми 2. Миллий (маҳаллий) маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши
Ресурслар бўйича рақобатбардошилик	Меҳнат унумдорлиги	1. Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш улушининг ўсиши 2. Ходимлар малакасини ошириш
	Асосий воситаларнинг эскириши	1. Асосий воситаларнинг янгиланиши
Рақобатбардошилик институтлари	Коррупция даражаси	1. Коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини қабул қилиш 2. Мансабдор шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмини яратиш
Банк тизими рақобатбардошлиги	Кредитлар бўйича фоиз ставкалари ҳажми (размер)	1. Қайта молиялаштириш ставкаси 2. Кредитлар бериш муддати 3. Кредит таъминотининг ўзига хос хусусиятлари 4. Қарз олувчининг тўлов қобилияти ва обрўси 5. Инфляция даражаси
Молия тизими рақобатбардошлиги	Савдо баланси сальдоси	1. Экспортнинг ўсиши
	Хорижий инвестициялар ҳажми	1. Инвестициялар йўналтирилган ички ва ташқи бозорларнинг ҳажми ҳамда хусусияти 2. Солиқ тизими табиати (характери) 3. Инфратузилманинг мавжудлиги ва ривожланиш даражаси 4. Нархлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси 5. Инвесторлар учун давлат кафолатларининг мавжудлиги 6. Давлат протекционизми чораларининг мавжудлиги ёки йўқлиги
	Давлат қарзининг ҳажми	1. Давлат харажатларининг миқдори 2. Давлатнинг кредит сиёсати
	Жамғариш меъёри	1. Маҳсулотларга талаб 2. Тижорат кредитининг фоиз ставкаси 3. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит олишнинг мураккаб тартиби 4. Инвестицион рисклар 5. Асосий капиталга киритирган инвестицияларнинг фойдалилиги 6. Мамлакатда иқтисодий ҳолатнинг барқарорлиги
	Инфляция	1. Қайта молиялаш ставкаси размери 2. Давлат бюджети тақчиллиги 3. Ортиқча инвестициялаш 4. Инфляцион кутиш
	Гўдаклар ўлими	1. Шифокорларнинг иш ҳақи миқдори
Соғлиқни сақлаш тизими рақобатбардошлиги	5 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлим даражаси	2. Тиббий асбоб-ускуналарни молиялаштириш ҳажми
	Эркак ва аёлларнинг умр кўриш давомийлиги	3. Тиббиёт ходимларининг малакаси
	Шифокорлар сони	
	Таълим тизими рақобатбардошлиги	
Фан рақобатбардошлиги	Таълим олувчилар ва ўқитувчилар нисбати	1. Профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси
	Мутахассисликлар бўйича битирувчилар улуши	2. Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини молиялаштириш
	Илмий ходимлар сони ва рўйхатдан ўтган патентлар нисбати	3. Битирувчилар сонининг бозор эҳтиёжларига мослиги
	Фанга қилинган сарфлар ва илмий ходимлар сонининг нисбати	1. Илмий тадқиқотларни мақсадли молиялаштириш тизимининг мавжудлиги
		2. Илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдори
		3. Илмий кашфиётларга бўлган талаб
		4. Илмий кашфиётларни ишлаб чиқаришга жорий этиш

Манба: [7].

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

$$K_i = \frac{K_{\text{мам}i}}{K_{\text{м}i}}; (2)$$

Бу ерда:

$K_i$  –  $i$ -омил рақобатбардошлиги;

$K_{\text{мам}i}$  – мамлакат  $i$ -омилининг мутлақ қиймати;

$K_{\text{м}i}$  – мамлакатнинг унга интилиши лозим бўлган  $i$ -омилининг меъёрий (режали) қиймати.

(2) формулани (1) формулага олиб бориб қўйсак, қўйидаги формула вужудга келади:

$$P_{\text{мам}} = \sum_{i=1}^n b_i \frac{K_{\text{мам}i}}{K_{\text{м}i}} \quad (3)$$

Бу ерда:

$P_{\text{мам}}$  – мамлакат рақобатбардошлиги кўрсаткичи;

$b_i$  – рақобатбардошлик  $i$ -омили қиймати кўрсаткичи;

$K_{\text{мам}i}$  – мамлакат  $i$ -омилининг мутлақ қиймати;

$K_{\text{м}i}$  – мамлакатнинг унга интилиши лозим бўлган  $i$ -омилининг меъёрий (режали) қиймати.

Шу асосда, биринчидан, мамлакат рақобатбардошлигини рақобатбардошликтининг энг муҳим омилларини ҳисобга олган ҳолатда ҳисоблаб чиқиши мумкин. Иккинчидан, мазкур формулада мамлакатда рақобатбардошликтининг реал ҳолати ҳисобга олинган ва у меъёр билан, яъни жаҳондаги энг яхши кўрсаткич билан таққосланади.

Мамлакат рақобатбардошлигини баҳолаш кўрсаткичлари (1.0)га қўйидагилар киради:

– давлат бюджетидан илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига қилинган харажатлар (ЯИМга нисбатан фоизда);

– инсон омилини ривожланишига (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳа) давлат бюджетидан қилинган харажатлар, ЯИМга нисбатан фоизда;

– мамлакатда сиёсий тизимнинг барқарорлиги, балл;

– аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, минг. долл.;

- ўртача умр кўриш давомийлиги;
- ресурслардан фойдаланиш самародорлиги;
- экспорт, ЯИМга нисбатан фоизда;
- аҳоли жон бошига тўғри келувчи табиий ресурслар заҳиралари бўйича мамлакатнинг жаҳондаги ўрни;
- инфляция даражаси, фоизда;
- дунёning 250 та энг йирик рақобатбардош фирмалар орасида ўзига хос оғирлик даражаси бўйича мамлакатнинг ўрни.

Жаҳон иқтисодий форумининг методикасига мувофиқ, ҳар бир мамлакат учун иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан энг муҳим бўлган макроиктисодий кўрсаткичлар асосида ўлчанадиган ўзининг рақобатбардошлик индекси ишлаб чиқилади.

## Таҳлил ва натижалар

Мамлакат рақобатбардошлиги омиллари (кўрсаткичлари)нинг таҳлили миллий иқтисодиётлар ривожланишининг жаҳон тенденцияларидан келиб чиқсан ҳолда улар ичидан мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини оширишга катта таъсир кўрсатувчи асосийларини аниқлаш имконини беради, хусусан, инсон салоҳиятини ривожлантириш (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳа), фан-техника тараққиёти, инновацияларни ривожлантириш ва бошқалар.

Мамлакат рақобатбардошлигини баҳолаш учун дастлаб ахборотни йиғиш ва унинг ишончлилигини текшириш, сўнгра кейинги босқичда мамлакат унга интилиши лозим бўлган рақобатбардошлик меъёrlарини белгилаш зарур. Ушбу ҳолатда биз миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш учун қайси йўналишда иш олиб бориш лозимлигини аниқлаш мақсадида жаҳондаги энг яхши деб ҳисобланган меъёrlарни кўзда тутишни тавсия этган бўлар эдик [3].

Масалан, мамлакат рақобатбардошлиги 0,65 га тенг. Бу шуни англатадики, мамлакат иқтисодиётида оптималь 1,0

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

қийматга эришиш учун етарлича захира-лар, яъни фойдаланилмаган имконият-лар мавжуд. Шуни таъкидлаш лозимки, турли кўрсаткичлар жаҳондаги энг яхши кўрсаткичларга қараганда катта ёки кичик қийматга эга бўлиши мумкин, чунки ҳар бир мамлакат ўз хусусияти ва мамлакат учун қандайдир оптималь қийматга эга, яъни мамлакат барча кўрсаткичлар бўйича рақобатбардош бўлиши мумкин эмас.

Лекин таъкидлаш жоизки, меъёрий кўрсаткичлар сифатида ҳукumat томонидан кўзланган мақсадлар ва республика иқтисодиётини ривожлантириш дастурларидан келиб чиқиб, прогноз кўрсаткичларини олишимиз мумкин. Бу мам-

лакат рақобатбардошлигини баҳолашга нисбатан ёндашувга, ҳукumat умиди ва унинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ [3].

Шундай қилиб, мамлакат рақобатбардошлигининг меъёрий кўрсаткичлари стратегик кўрсаткичлар ҳисобланади. Келажакда мамлакат рақобатбардошлиги кўрсаткичларини яхшилаш меъёрларига эга бўлган ҳолда иқтисодиёт ривожланишини исталган вақтга прогноз қилиш мумкин.

Р.А. Фатхутдинов мамлакат рақобатбардошлигининг тахминий кўрсаткичлари ва меъёрларини қуидагича белгилайди (6-жадвал):

## 6-жадвал

### Мамлакат рақобатбардошлигининг тахминий кўрсаткичлари ва меъёрлари

№	Мамлакат рақобатбардошлиги кўрсаткичи	Кўрсаткич қиймати	Кўрсаткич меъёри (жаҳондаги энг яхши)	Меъёр манбаси
1.	ИТТКИ учун давлат бюджетидан харажатлар, ЯИМга нисбатан фоизда	0,22	3,5	АҚШ дастури
2.	Инсонни ривожлантириш (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳа) учун давлат бюджетидан харажатлар	0,2	13,0	АҚШ дастури
3.	Сиёсий тизимнинг барқарорлиги кўрсаткичи балл	0,13	10,0	АҚШ =1,0
4.	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, минг АҚШ долл.	0,10	30	Ривожланган мамлакатлар бўйича ўртacha қиймат
5.	Ўртacha умр кўриш давомийлиги, йил	0,08	80	Япониядаги энг яхши кўрсаткич
6.	Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи	0,07	1,0	Жаҳондаги энг яхши бўлган жаҳондаги кўрсаткич
7.	Экспорт, ЯИМга нисбатан фоизда	0,06	30,0	Европа Иттифоқи кўрсаткичи
8.	Инфляция даражаси, фоиз	0,05	2,70	Евро Иттифоқ мезони
9.	Аҳоли жон бошига табиий ресурслар захиралари бўйича мамлакатнинг ўрни	0,05	-	Факт бўйича баҳоланади
10.	Дунёнинг 250 та энг ийрик рақобатбардош фирмалари орасида ўзига хос оғирлик даражаси бўйича мамлакатнинг ўрни	0,04	-	Ривожланган мамлакатлар

*Манба:* [5].

Ўзбекистонлик олимлар Р.О. Алимов, А.Ф. Расулов ва А.М. Қодировларнинг таъкидлашича, ушбу методика мамлакатнинг жорий рақобатбардошлигини эмас, балки миллий иқтисодиётнинг ст-

ратегик рақобатбардошлигини баҳолашга йўналтирилган. Мазкур методикада фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими ҳосил қилувчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Бошқа кўрсаткичлардан ҳам фой-

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

даланиш, яъни келтирилган кўрсаткичлар рўйхатини кенгайтириш мумкин. Хусусан, юқорида номлари келтирилган мамлакатимиз олимлари «Сиёсий тизимнинг барқарорлиги кўрсаткичи»ни мамлакатда бозор ўзгаришларининг даражаси деб, «Экспорт» кўрсаткичини кўп илм талаб қилувчи маҳсулот экспорти деб, «Инфляция даражаси» кўрсаткичини ҳаёт кечириш муҳитининг сифати ва хавфсизлиги деб, «Дунёнинг 250 та энг йирик рақобатбардош фирмалари орасида ўзига хос оғирлик даражаси бўйича мамлакатнинг ўрни» кўрсаткичини мамлакат аҳолиси ҳаётининг сифати деб ўзгартиришган. Юқоридаги кўрсаткичлардан энг асосийларини танлаб олиб, шунга мос равишда кўрсаткичларнинг қийматини ҳам ўзгартиришган.

Биз шу методикага таяниб, 2018 йилда Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт

рақобатбардошлиги даражасини баҳолашга ҳаракат қилдик. Хусусан, 2018 йилда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (харид қуввати паритети бўйича) халқаро валюта фондининг ҳисоблаши бўйича жаҳондаги энг яхши кўрсаткич Қатар мамлакатига тегишли. Бу таҳлилда биз кўп илм талаб қилувчи маҳсулот экспорти кўрсаткичини аниқлаш мураккаблиги боис унинг ўрнига юқоридаги Р.А. Фатхутдиновнинг ёндашуви бўйича «Экспорт» кўрсаткичидан, «Ўртача умр кўриш давомийлиги» кўрсаткичи ўрнига Бирлашган миллатлар ташкилоти ривожланиш дастури (UNDP – United Nations Development Programme)нинг «Туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги» кўрсаткичидан фойдаландик (7-жадвал).

## 7-жадвал

### Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг асосий кўрсаткичлари ва меъёрлари [3]

№	Мамлакат рақобатбардошлиги кўрсаткичи	Кўрсаткич қиймати	Кўрсаткич меъёри (жаҳондаги энг яхши)	Меъёр манбаси	2018 йил Ўзбекистон учун маълумотлар
1.	ИТТКИ учун давлат бюджетидан харажатлар, ЯИМга нисбатан фоизда	0,25	3,5	АҚШ дастури	= (389,3/406648,5)×100% = 0,096 [11]
2.	Инсонни ривожлантириш (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳа) учун давлат бюджетидан харажатлар	0,25	13,0	АҚШ дастури	= (35 034,0/406648,5)×100% = 8,62 [11]
3.	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, минг АҚШ долл.	0,15	129,6	Ривожланган мамлакатлар бўйича ўртача қиймат	8,5 [13]
4.	Туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги, йил	0,15	84,6	Япониядаги энг яхши кўрсаткич	73,8 [17].
5.	Экспорт, ЯИМга нисбатан фоизда	0,1	30,0	Европа иттифоқи кўрсаткичи	= (13991/65000) ×100% = 21,03 [13].
6.	Аҳоли жон бошига табиий ресурслар захиралари бўйича мамлакатнинг ўрни	0,1	-	Факт бўйича баҳоланади	-

*Манба:* [3].

## ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Юқоридаги жадвал маълумотларини (3) формулага қўйсак, у ҳолда 2018 йилда Ўзбекистонда миллий иқтисоди-

ётнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичи қуийдагига тенг бўлади:

$$P_{\text{Ўзбекистон}} = 0,25 \times \frac{0,096}{3,5} + 0,25 \times \frac{8,62}{13} + 0,15 \times \frac{8,5}{129,6} + 0,15 \times \frac{73,8}{84,6} + 0,1 \times \frac{21,03}{30} \\ + 0,1 \times \frac{1}{1} = 0,007 + 0,166 + 0,01 + 0,131 + 0,07 + 0,1 = 0,48$$

Шундай қилиб, Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлиги 0,48 бирлик деб баҳоланмоқда. Таъкидлаш лозимки, бу жуда паст кўрсаткич бўлиб, бир томондан, Ўзбекистонда рақобатбардошликни ошириш учун катта салоҳият мавжудлигидан далолат беради. Иккинчи томондан, биз унга «Мамлакат аҳолисининг турмуш сифати», «Мамлакатда бозор ўзгаришларининг даражаси», «Ҳаёт кечириш муҳитининг сифати ва хавфсизлиги» каби мамлакат рақобатбардошлигининг таркибий қисмларини киритмаган мазкур кўрсаткич, ҳатто миқдорий қисмлар бўйича ҳам, ниҳоятда орқада қолаётганимиздан далолат бериб турибди. Бу ҳол Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида республика миллий хўжалигининг қиёсий устунликларидан фойдаланиш асосида иқтисодиётни инновацион ривожлантириш мақсадига йўналтирилган давлат иқтисодий сиёсатини амалга ошириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлаб турибди. Бошқача айтганда, қиёсий устунликларга таяниб ва уларни монанд уйғунлаштирган ҳолда республика иқтисодиётининг рақобат жиҳатидан устунликларини жадаллик билан ривожлантириш зарур.

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида «Таркибий ўзгартириш-

ларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш хисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар турларини чиқаришни ўзлаштириш, бунга асосан, ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»[2] лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Хозирги кунда энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада 2019 йилда иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоиз, экспорт 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди.

Барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади [1].

Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда илм-фани янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисо-

диётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ҳамда янги ва замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 2020 йилга «Илм, мәтирифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб ном беришни таклиф этди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Бунинг натижасида яширин иқтисодиёт даражаси камайиб, соғлом рақобат ва қулай инвестиция муҳити вужудга келади. Бу эса рақобатни қучайтириб, рақобатбардошликтининг турли даражаларида яхшиланиб боришига сабаб бўлади.

## Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги кунда давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтириш ва сифатни оширишга қаратишимиш керак.

Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ҳозирги коронавирус пандемияси келтириб чиқариши мумкин бўлган иқтисодий инқироз даврида мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг даражасини янада ошириш учун қўйидаги тавсиявий характерга эга бўлган таклифларни ишлаб чиқдик. Булар:

– корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини камайтириш йўли билан корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш негизида уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш, импорт ўрнини босадиган товарлар, материаллар ва хомашёни маҳаллийлаштириш, шунингдек, ички талаб-эҳтиёжни рағбатлантириш учун омиллар яратиш;

– мамлакатимизнинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қиёсий устунликларидан фойдаланган ҳолда экспорт ҳажмини ошириш;

– импортга бўлган қарамликини камайтириш мақсадида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, иккиласми эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган маҳсулотлар импортини камайтириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда йирик солиқ тўловчи корхоналарга турли қўринишдаги имтиёзлар бериш;

– хизматлар соҳасини ривожлантириш, турли хил маркетинг хизматлари (online савдо, маҳсулотларни етказиб бериш, маслаҳатлар бериш ва хизматлар) кўрсатаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш;

– аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва иш билан бандлигини таъминлаш, аҳолининг ўз ички имкониятларидан (уй хўжалигида томорқадан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, хунармандчилик ва бошқалар) самарали фойдаланишига кўмаклашиш ва назорат қилиш орқали уларнинг реал даромадларини ошириш;

– рақамли ва инновацион иқтисодиётни янада ривожлантириш ҳамда бошқалар.

# ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

## Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси [Elektron manba]. – Кириш режими: <https://kip.uz/99444746/>.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривоҷлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. – 2017. – 7 февраль. – ПФ-4947-сонли.
3. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт / Р.О. Алимов, А.Ф. Расулов, А.М. Қодиров ва бошқалар // С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 440 б.
4. Эргашходжаева Ш.Д. Халқаро рақобат: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2013. – 252 б.
5. Фатхутдинов Р.А. Стратегический маркетинг: Учебник. — М.: ЗАО Бизнес-школа «Интел-Синтез», 2000. – 640 с.
6. Фатхутдинов Р.А. Уровни и объекты конкурентоспособности // Современная конкуренция: Учебно-методические материалы. – 2009. – № 4 (16).
7. Ясин Е. Конкурентоспособность и модернизация российской экономики // Вопросы экономики. – 2004. – № 7. – С. 4-32.
8. Белов А.И. Показатели и факторы конкурентоспособности национальной экономики // Известия ПГПУ им. В. Г. Белинского. – 2011. – № 24. – С. 204-211.
11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари [Elektron manba]. – Кириш режими: <https://mf.uz/>.
12. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари [Elektron manba]. – Кириш режими: <https://stat.uz/>.
13. Википедия [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://ru.wikipedia.org/>.
14. The Global Competitiveness Report 2009-2010: World Economic Forum. – Geneva, Switzerland. – 2009. – Р. 8.
15. Конкурентоспособность страны [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [http://www.grandars.ru/college/ekonomika-firmy/konkurentosposobnost-strany.html/](http://www.grandars.ru/college/ekonomika-firmy/konkurentosposobnost-strany.html).
16. Global competitiveness index [Electronic resource]. – Access mode: <https://gtmarket.ru/ratings/global-competitiveness-index/info/>.
17. [Elektron manba]. – Кириш режими: <https://www.uz24.uz/society/gzbekistonda-grtacha-umr-kgrish-necha-yosh/>.

### Тақризчи:

Абулқосимов Х.П., иқтисодиёт фанлари доктори, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, Ўзбекистон Миллий университети.